

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 72 (12.133)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Натижада республикада иқтисодийнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик фовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Қўри технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, республика қонунчилиги томонидан 1-иловага мувофиқ хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламдаги кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими яратилган.

2. Белгилаб қўйилсинки, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгида ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигига ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашининг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлиқдирлар.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қиймати 50 миллион АҚШ долларида ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камидан 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқарида зарур таъқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони билан белгиланган солиқ имтиёзлари 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб:

2-иловага мувофиқ, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида фаолият юритаётган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти истисно этилган ҳолда, республиканинг барча минтақаларида жойлаштирилладиган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга татбиқ этилсин.

5. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар ўрнатилиши қатъиян тақиқлансин ва бу ҳол қонунга хилоф деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий инвесторларнинг, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари сўзсиз риоя этишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатсин ҳамда қонунчилик бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таъсирчан чоралар кўрсин.

6. Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясига (Р.С.Азимов) хорижий инвесторларнинг буюртманомалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмаларининг буюртманомалари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига 12 ой муддат билан кириш визалари ҳамда кўп марталиқ визалар расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банкни жалб этган ҳолда хорижий инвесторларга ўзларининг инвестиция фаолиятини амалга оширишлари учун Давлат бюджетни ва унинг ижроси, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо ҳамда бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан тизимли асосда белгиланган тартибда кенг фойдаланиш имкониятларини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун берилган кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликларга доир қонун ҳужжатларининг амалда рўйбга чиқарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда берилаётган имтиёзлар ва афзалликларга вазирликлар, идоралар ва бошқа ижрочилар томонидан риоя этилмаслиги ҳолатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорада ахборот киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида

2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 10 апрель

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

БАНК СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ

Кеча шаҳримиздаги «Ўзкўргазмасавдо» Республика ярмарка-савдо марказида «BankEXPO – 2012» банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари тўртинчи миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Кўргазмада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг етакчи банк, молия ва инвестиция компаниялари қатнашиб, банк-молия соҳасидаги энг замонавий технологиялар ва хизматларни намойиш этишмоқда.

«BankEXPO – 2012» кўргазмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

«BankEXPO – 2012» бўлимлари банклар, молия ташкилотлари, сугурта компаниялари, электрон банкинг, мобил тизимлар, пул ўтказмалари тизимлари, видеокузатув ва хавфсизлиқни таъминлашга бағишланган бўлиб, унга таъриф буюрувчилар банк ва молия муассасалари учун ахборот технологиялари, пластик карточкалар дизайни ва уларни ишлаб чиқиш, пластик карточкалар билан ишлаш учун мўлжалланган дастурий-аппаратли воситалар ва бошқа йўналишлар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур кўргазма Ўзбекистон банк-молия институтлари, тартибга солувчи органлар ҳамда банк-молия хизматларидан фойдаланувчилар, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари раҳбарлари ўртасида мулоқот ўрнатишга яхши имкон яратиб беради.

Бу йилги кўргазмада «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида кўрсатилган вазифаларнинг ижросига ҳам эътибор қаратилган, тижорат банклари учун маърифий тренинглар ўтказилди. Шунингдек, сугурта компаниялари банклар учун янги хизмат турларини намойиш этмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасида «АҚШда тиббий фанларнинг ўқитилиши (Мичиган давлат университети мислида) ва солиқни сақлаш тизимидаги глобал муаммолар» мавзусида видео мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўшбу тадбирда соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилот ва идоралар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

«Истеъдод» жамғармаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ мамлакатимизнинг узлуksiz таълим тизими ва фан-техника соҳасидаги илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятнинг устувор ҳамда истиқболли йўналишларини жаҳондаги илғор технология ва фан ютуқлари асосида ривожлантиришга, ёш педагог ва илмий кадрлар

малакасини оширишга ҳамда тажриба алмашиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг истеъдодини рўйбга чиқариш ва юксалтиришга фол ҳисса қўшиб келмоқда.

Мазкур жамғарма жаҳоннинг бир қатор илғор таълим ҳамда илмий муассасалари билан малака ошириш ва тажриба алмашиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келаёттир. Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг Мичиган давлат университети билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Мазкур университет муҳандислик, иқтисодий, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги ва журналистика йўналишлари бўйича АҚШдаги нуфузли таълим даргоҳларидан ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

ида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида касб билими ва маҳоратини ошириш бўйича йиғинларда иштирок этган 600 нафар профлактама инспекторига сертификатлар топширилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КАМОЛОТ**» ЁИХ Бектемир туман бўлими кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси ва туман Маънавият тарғибот маркази туман бўлими билан ҳамкорликда тумандаги барча ўрта махсус таълим му-

ассасалари ҳамда мактабларда ўқувчи ёшлар ўртасида «Юксак маънавиятли ёшлар юрт таянчи» ва «Биз ягона юрт фарзандларимиз» мавзусидаги ўқув семинарлари ва тадбирларни ўтказмоқда.

✓ **БУГУН** А. Қодирини номидаги Тошкент Давлат маданият институтида

ўтказилган маънавий-маърифий илмий анжуман «Инсон тафаккурида маданият ва санъатнинг ўрни, бадий жанрларда чоп этилаётган асарларнинг мазмун-моҳияти» деб номланди.

✓ **БУГУН** 2-шаҳар клиник шифохонасида «Тиббиёт ислохотлари» мавзу-

XXI аср сағоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида Қарши шаҳрида «Биз – бир жамоа, биз – бир оила» акцияси ўтказилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги «Кўнгул нури» хотин-қизлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Мўйноқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинар уй бекаларини иш билан таъминлаш самарадорлигини янада оширишга қаратилди. Ўқув машғулотларига 40 нафар уй бекаси жалб этилиб, улар қишлоқ жойларида мажсулот ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни йўлга қўйиш бўйича билим олди ва кўникмалар ҳосил қилди.

• Ижтимоий муҳофаза, турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий юксалишнинг муҳим омилларидан бири бўлган Бандлик дастурининг ижроси Наманган вилоятида ҳам изчил таъминланмоқда. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, жойлардаги ишчи гуруҳлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда корхоналар билан ҳамкорликда кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 72417 янги иш ўринлари яратилиб, дастурда белгиланган режа 100,9 фоизга бажарилди.

• Жиззах шаҳридаги Наврўзбулок трассасида автокросс бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Чемпионатда умумжамоа ҳисобида Самарқанд, Жиззах ва Наманган вилоятлари жамоалари кучли унликдан ўрин эгаллашди.

ЖАҲОНДА

• Буюк Британия ва Япония тинчлик йўлидаги атом соҳасида ҳамкорлик юзасидан битим имзолашди.

• Кеча Лондон ҳамашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 2,79 долларга пасайиб, бир баррели 119,88 долларни ташкил этди. Нью-Йоркдаги савдолар чоғида эса WTI русумли нефть нархи 1,44 долларга арзонлашиб, бир баррели 101,02 доллардан иборат бўлди.

• Кеча Сомали жанубида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 14 киши ҳалок бўлди.

• Кеча Мексикада таксичиларга уюштирилган ҳужум чоғида 8 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Япониянинг «Сони» корпорацияси 2011 йили 6,3 миллиард АҚШ доллари микдорда иқтисодий зарар кўрди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Ўтган йили Японияда содир бўлган табиий офатлар компаниянинг бир нечта заводида ишнинг вақтинча тўхтатилиши, ишлаб чиқариш жараёнини қайта тиклаш учун катта маблағ сарфланишига сабаб бўлди.

• АҚШнинг «Форд мотор» корпорацияси мамлакат бўйлаб 2012 йили ишлаб чиқарилган 140 мингта «Форд Фокус» русумли автомобилларини қайтариб олишни эълон қилди. Компания вакилларининг сўзларига кўра, мазкур машиналарнинг электромотор изоляциясида техник носозлик аниқланган.

• Гаити жанубида йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ўттизга яқин киши ҳаётдан кўз юмди ва қарийб қирқ киши жароҳатланди. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, ҳалок бўлганларнинг аксарияти аёллардан иборат. Маълумотларга кўра, савдогарларни бозорга олиб кетаётган юк машинаси ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб, Пти-Гоав шаҳри яқинида тўнтарилиб кетган. Мамлакат кутқарув хизмати вакилларининг айтишича, бахтсиз ҳодиса автомобилнинг тормоз тизими ишдан чиққанлиги оқибатида содир бўлган.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда рационализаторлик таклифлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника йўналишида юзга келган техника ижодкорлиги намуналари ҳам амалиётда кенг татбиқ этилмоқда.

ЭНГ ЯХШИ ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛАРИ

«Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги рационализаторлик таклифи ва иштироки» республика танловида ҳам энг яхши техникавий изланишлар муносиб тақдирланди. — Танловга алоқа ва ахборотлаштириш воситаларининг техник ҳолатини яхшилашга йўналтирилган 20 га яқин рационализаторлик таклифи тақдим этилди, — дейди жамият аъзоси Тўлан Дадажонов. — Битта биринчи ўрин рақамли телевидение техникасига доир изланиш муаллифларига тақдим этилди.

«Телевизион узаткичига кучайтиргич ўрнатиш» деб номланган рационализаторлик таклифи иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Совринли ўрин билан тақдирланган ишланмалар орасида «Телевизион узаткичнинг қувватини радиолампа орқали 5 кВтга ошириш дастури» муаллифлари ҳам бор.

Фойдаларга дипломлар ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Акбар АЛИЕВ

Қарор ва ижро

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда қонунлар ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги, «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунлар ишлаб чиқилаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатнинг мамлакатимиз ривожига хизмат қилишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августда қабул қилинган «Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш, шунингдек, улар бажарилиши мониторинги дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Қарорда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тегишли дастурга мувофиқ ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш юзасидан барча зарур йўл-йўриқлар белгиланган. Яратилаётган қонунлар нафақат муайян соҳага тегишли нормаларга, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар талабларига ҳам мувофиқ бўлиши шартлиги мустахкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш, экспертизадан ўтказиш масалаларига бағишлаб ташкил этилган анжуманда маз-

Президентимиз Ислон Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонун ижодкорлиги жараёни кенгайтириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани алоҳида таъкидланди.

кур йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги Н.Йўлдошев бошқарган тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий қонунчилик базасининг муттасил мустаҳкамланаётгани жамият ҳаётининг барча жабҳаларини босқичма-босқич ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мутаносиблиги ва сўзсиз ижро этилишига хизмат қилаётган. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Адлия вазирлиги тизимида нафақат қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти доимий таҳлил қилинаётгани ва мониторинги юритилаётгани, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш тизими яратилгани ўз самарасини бермоқда.


Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказиш жараёнида уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан тайёрланаётган ҳулосалар ҳар бир ҳужжатнинг пишиқ ва пухталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилаётган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари талабларга жавоб бермаслиги бу борадаги фаолиятни такомиллаштиришни тақозо этаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Идора ва ташкилотлардаги юридик хизматлар ишини жонлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш бунда муҳим ўрин тутди.

Тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари иштирок этган тадбирда қонун ижодкорлиги фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасининг аҳамиятини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ



Обод шаҳрим — озода шаҳрим

Козим Ўлмасов олган сурат

КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

Шаҳримиз бугунги кунга келиб, энг замонавий мегаполислардан бирига айланди. Йилдан йилга пойтахтимиз чиройи очилиб, янги улугвор бино ва иншоотлар бунёд этилмоқда, кенг ва равон йўллар ҳамда бетакрор йўл ўтказгичлар азим шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Хозирда шаҳримизнинг қай бир гўшасига борманг маҳаллалар, мавзелар, корхона ва ташкилотлар ҳудудини тартибга келтириш, ободонлаштириш ишларининг устидан чиқасиз. Энг муҳими, йўлларда кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, «Тошкент шаҳар йўл қурилиши ва таъмирлаш трести» очик акциядорлик жамияти, шаҳар марказий кўчалардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси мутахассислари иштирокида 18 та участкада йўлларнинг қопламаларини янгилаш ишлари бажарилмоқ-

да. Ушбу ишларни тезлаштириш мақсадида бир нечта пудрат ташкилотлари жалб этилган.

Айниқса Богишамол кўчасида иш қизгин кетмоқда. Бунда йўлнинг 3,8 километрлик қисмида талаб этилган жойда, қоплама алмаштирилмоқда. Чуқурчалар тўлдирилмоқда, нотекис жойлар равон ҳолга келтирилмоқда. Шунингдек, трамвай излари олиб ташланиб, йўлнинг транспорт қатнайдиган қисмини 22 метрга қадар кенгайтириш мақсадида, бунга ҳалал бераётган иншоотлар олинмоқда, тегишли участкаларда ирригация тизимлари алмаштирилмоқда.

ХИЗМАТГА ШАЙ СЕРЖАНТЛАР

Мамлакатимиз ички ишлар тизимида ҳар томонлама етук, ватанга садоқатли ёшларни тайёрлаш, мард ва ватанпарвар кадрларни тарбиялаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясининг саф майдонида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курс битирувчиларининг тантанали маросиминида бўлганимизда ҳаёлимиздан юқоридаги фикрлар ўтди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур муассасада курсантларга жазони ижро этиш, ёнгин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш каби соҳалар бўйича билим берилади. Бунинг учун академияда барча шарт-шароитлар яратилган. Криминалистика маркази, техника воситалари билан таъминланган ўқув-дала машқ майдонлари мавжуд. Замонавий компьютер ва лингафон, спорт машқлари олиб бориш хоналари — кур-

сантлар ихтиёрида. Ўқитишнинг самарали усуллари, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Бундай тайёргарликка эга кадрлар ички ишлар тизимида албатта самарали фаолият юритишига ишончимиз комил.

Ички ишлар вазирлиги академияси раҳбари Ш. Икромов тадбирни очар экан, битирувчи курсантлар тажрибали мураббийлардан чуқур билим олиб, танлаган мутахассисликларининг сир-асрорларини пухта ўзлаштирилганликларини қайд этди,

улар ИИВ академияси олий курсларининг битирувчиси деган юксак номни оқлаб, Ватан олдидаги бурчларини шараф билан бажаришларига ишонч билдирди.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги генерал-лейтенант Б.Матлюбов, Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси бошлиғи, полковник С.Тангирбердиев, ота-оналар номидан сўзга чиққан М.Исмоилов ва бошқалар курсантларни ўқиниши муваффақиятли тамомлагани билан муборакбод этдилар. Ички ишлар тизимида давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётгани, соҳага қадим кўяётган ҳар бир ходим бунга муносиб бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Сардорбек МҶМИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш» бошқармаси инспектори

Мовароуннаҳр кўчасида Сув спорти саройи атрофидаги йўл қопламасини янгилаш бора-сидаги ишлар эса якунига етмоқда. Бу ерда барча таъмирлаш ишлари уч минг квадрат метр жойда амалга оширилди. Бунда йўл қопламасининг ҳам кўйи, ҳам юқори қатламлари янгиланди. Бу ерда «Шаҳар йўлқурилиш» масъулияти чекланган жамияти пудрат ишларини бажарди.

— Ушбу участкада 20 кишидан иборат асфальт ётқизувчилар бригадаси фаолият кўрсатди, — дейди уста С.Муродов. — Ўз олдимидаги қўйилган вазифани тез ва сифатли бажаришга ҳаракат қилдик. Тез орада Тараққиёт кўчасида иш бошлаймиз ва бу ерда ҳам йўл қопламалари тўла таъмирдан чиқарилади.

«Тошкент шаҳар йўл қурилиши ва таъмирлаш трести» очик акциядорлик жамияти яқин кунларда йўл қурилиши-тиклаш ишларини бажариш бўйича ўтказилаётган тендер танловида иштирок этади. Бунда 20 дан ортиқ шартномаларнинг тузилиши кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шаҳарда автомобиль йўллари тармоғини яхшилаш борасидаги ишлар кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Маълумки, республикамизда кутубхоначилик тизими тузилмавий жиҳатдан тўлиқ қайта ташкил этилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсинувчи ўндан ортиқ ахборот-кутубхона маркази очилди.

КУТУБХОНАЧИЛИК ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ

— Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча ахборот-кутубхона марказлари китобхоналари сонини 140 минг нафарни ташкил этади, — дейди республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Ишматов. — Жамоатчиликни ахборот-кутубхоначилик соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида тўлиқ хабардор қилиб бориш, шунингдек, республикамиз ва хориж ахборот-кутубхона муассасалари иш тажрибаси ҳақида ахборот бериш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ихтисослашган кутубхоначилик журнаלי таъсис этилди. «Kutubxona.Uz» деб номланган бу журнал саҳифаларида ахборот-кутубхоначилик, архив ва музей тўғрисидаги мақолалар чоп этиб борилаётган. Шунинг эслатиб ўтиш жоизки, бу нашр ахборот-кутубхоначилик фаолиятининг барча йўналишларини кенг ёритишга.

Айни вақтда республика ахборот-кутубхона маркази сайтида «Kutubxona.Uz» журнаliga бағишланган сайт яратилган.

Аҳмад АББОСОВ

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуманда Мичиган давлат университети халқаро соғлиқни сақлаш институти директори, профессор Реза Нассири АҚШда тиббиёт фанларининг ўқитилиши ва соғлиқни сақлаш тизимидаги глобал муаммолар, тиббиёт, соғлиқни сақлаш ва фармакологияга бағишланган маърузалари билан иштирок этди.

Видеомулоқотда Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Урганч, Фарғона шаҳарларидаги тиббиёт олий таълим муассасаларининг икки юз етмишдан ортиқ олим ва профессор-ўқитувчилари иштирок этиб, онлайн тизими орқали мулоқот қилиш имконига эга бўлдилар.

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг олий таълим муассасасида видеоанжуман заллари мавжуд, — дейди ЎЗА мухбирига «Истеъдод» жамғармаси қошидаги масофадан ўқитиш маркази директори Абдуқаҳҳор Абдуқодиров. — Интерфаол усуллар асосида амалга оширилаётган малака оширишнинг онлайн тури кўплаб афзалликларга эга. Энг аввало, хорижда ўқиш учун сарфланадиган харажатлар миқдори камаяди, айна пайтда сифат даражаси сақланиб қолади.

— Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида туб ислохотлар амалга оширилаётгани ва бу борада улкан ютуқлар кўлга киритилаётганидан хабаримиз бор, — деди Реза Нассири. — Мамлакатимизда ушбу тизимда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида оналик ва болаликни муҳофиза қилиш, ногиронликнинг олдини олиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, даволаш ва диагностика жараёнида замонавий технологиялардан оқилона фойдаланишга улкан эътибор қаратилаётган. Соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилаётгани таъсирга сазовордир. Соҳа вакиллари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари ўз самараларини беришига ишонимиз.

Мадина УМАРОВА

2012 йил — Мустақкам оила йили

СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастури оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш ва камолга етказиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва саломатлигини сақлашда ўз самараларини бераётган.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Мустақкам оила йили» Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлашда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлиқда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти томонидан ўтказилаётган кам таъминланган оилаларнинг имконияти чекланган фарзандларини соғломлаштириш лойиҳаси бунга мисолдир.

Германиянинг «Фриденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти бугунги кунда дунёнинг ўттиз бешдан ортиқ давлатида иш олиб боради ва 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни тиббий реабилитация қилишга кўмаклашади.

Мамлакатимизда ҳам ушбу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда қатор йиллардан буён болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ногирон болаларни соғломлаштириш борасида тиббий-ижтимоий хайрия акциялари ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги ҳамкорлик дастурлари доирасида бўйин, лаб, танглай ва оёғида туғма нуқсон бўлган уч юз нафардан кўпроқ бола мамлакатимиз клиникаларида даволанди. 12 нафар бола Германия клиникаларида соғломлаштирилмоқда.

Ушбу ҳамкорликнинг давоми сифатида 4-9 апрель кунлари Германиядан келган мутахассислар ва мамлакатимиз шифокорлари Қарши, Самарқанд, Жиззах шаҳарлари ва пойтахтимизда қарий беш юз нафар туғма нуқсонли бемор болани тиббий қўриқдан ўтказди. Бемор болаларнинг бир қисми жорий йилнинг август ойида Германия клиникаларида даволаниш учун жўнатилади.

— Қизим Зулфиянинг чап кўлида туғма нуқсон бор, ҳозир у беш ёшда, — дейди наманганлик Рустам Бекпўлатов. — Фарзандимни қишлоқ врачлик пунктимизда, туман ва вилоят шифохоналарида бир неча бор даволатдик. Унинг жисмоний камолотини яхшилаш учун ижтимоий таъминот идоралари томонидан моддий ёрдам ажратилмоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими мутахассислари қизимнинг аҳолидан доимо хабар олиб туради. Малакали шифокорлар қизимни тиббий қўриқдан ўтказишда ва саломатлигини яхшилаш бўйича зарур тиббий тавсиялар беришди. Болаларимизнинг саломатлигини асрашга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан мамнунимиз.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Тошкент Архитектура-курилиш институтида
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг
«Ўрта махсус, касб-хунар
таълими муассасалари
ўқувчилари учун кичик
бизнес ва хусусий
тадбиркорлик
йўналишлари бўйича ўқув-
услубий мажмуаларни
яратиш тўғрисида»ги
қарори асосида ўрта
махсус, касб-хунар
таълими муассасалари
ўқувчиларида кичик
бизнес ва хусусий
тадбиркорликка
йўналтирилган билим ва
кўникмаларни
шакллантиришга
бағишланган видео-
семинар бўлиб ўтди.



Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Олий ўқув
юртларида
ДОЛЗАРБ
МАВЗУДА
ВИДЕОСЕМИНАР

Семинарда Тошкент шаҳри, пойтахт ва Сирдарё вилоятлари лицей ва коллежлари директорлари иштирок этди. Видеосеминардан сўнг институтнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори Гофур Эшмонов, ижтимоий-иқтисодий йўналишлари бўйича кафедра мудири ва профессор-ўқитувчилар, институт юристи, академик лицей ва КХК директорлари иштирокида давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Суҳбатлар, савол-жавоблар, фикр алмашувларда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишлари бўйича ўқув-услубий кўникмалар тўғрисида, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг иқтидорли талабаларини аниқлаб, уларга йўл-йўриқлар бериш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу йигилиш фикр-мулоҳазаларга бой бўлиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.
Хасан АБДУНАЗАРОВ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг янги истиқболлари белгилаб берилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда 2012-2014 йилларда ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгиланди. Қарорда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига тақдим этиладиган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда тегишли ахборот ресурсларидан, жумладан, қишлоқ жойларида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу борада солиқ тизимида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz сайти орқали 16 турдаги интерактив хизмат ва бошқа қатор фойдали электрон хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Ушбу сайтдан фойдаланаётган солиқ тўловчиларнинг сони муттасил ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан бу борадаги ишларни янада яхшилаш, солиқ тўловчиларни интерактив хизматлардан унумли фойдаланишга кенг жалб этиш мақсадида Ёшлар ижод саройида «Интерактив хизматлар

Бугун барча соҳа ва тармоқларга
замонавий ахборот-коммуникация
технологиялари изчил жорий этилаётгани
самарасида аҳолига интерактив хизматлар
кўрсатиш кўлами тобора кенгаймоқда.

фуқаролар учун» номи кенг ҳажмдаги фойдали маълумотларни ўз ичига олган бўлимлар ташкил этилди. Хозир солиқ тўловчилар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўз офисларидан чиқмасдан, Давлат солиқ қўмитасининг сайти орқали ўзлари учун зарур кўплаб вазифаларни бажариши, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвалидан кўчирма ёки бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар, солиқ солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида зарур маълумотларни олиши, солиқ тўловчиларнинг

вақтлари ҳақидаги маълумот пайдо бўлади. Тадбирда «Энг кўп бериладиган саволлар» номи янги хизмат турининг тақдими бўлиб ўтди. Солиқ қўмитаси сайтыга жойлаштирилган бу хизмат орқали савол тоифасини танлаган ҳолда калит (асосий) сўз ёки иборани киритиб, солиқ тўловчи ўзининг саволига зарур жавобни дарҳол олиши мумкин. Мазкур хизматнинг бугунги кундаги базаси уч ярим мингдан ортиқ савол ва уларга берилган маълумоти жавоблардан иборат. Сайдта, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий инвесторлар учун яратилган ҳуқуқ ва қароллар ҳамда солиқ имтиёзлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган. Солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлар ҳақидаги фикрларини ўрганиб бориш мақсадида сайтда «Сўровнома» хизмати йўлга қўйилган. Тушаётган тақлиф ва истаklar дастурий маҳсулотларни такомиллаштиришда ўз аксини топмоқда. Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлардан 47 мингга яқин жисмоний шахс ва 200 мингдан ортиқ ташкилот ва корхона фаол фойдаланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан маълум қилишларига, жорий йил якунига қадар интерактив хизмат турларини йигирма иккига етказиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази, шунингдек, «Солиқ инфо» газетаси ҳамда «Бухгалтерга электрон мадад (БЭМ)» лойиҳаси ходимлари ва кўпгина интерактив хизматларнинг муаллифларидан бевосита жавоб олдилар. Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири

Қарор ва ижро
СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР
УЧУН ИНТЕРАКТИВ
ХИЗМАТЛАР

ровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустақамланаётгани, замонавий ва илғор компьютер технологияларидан унумли фойдаланилаётгани фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда. Ўз навбатида бу вақт ва моддий ресурсларни тежаш билан бирга солиқ соҳасида қабул қилинаётган қарорлар ижроси самарадорлигини ошириш, солиқ сибсатининг янада либераллашувини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлигини кучайтириш имконини бераётди. 2011 йилнинг сентябрь ойида қўмита сайтининг фойдаланувчилар учун қулай бўлган янги шакли ишга туширилди. Унда «Жисмоний шахслар учун», «Юридик шахслар учун», «Хорижий

идентификация рақамларини билиши мумкин. Масалан, сайтнинг «Солиқ органлари ҳақида»ги бўлимида солиқ хизмати органлари таркибий тузилмаси, вазифа ва ваколатлари, норматив-ҳуқуқий асослари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. «Сизнинг солиқ хизматингиз» номи янги электрон хизмати орқали фойдаланувчиларга солиқ органларининг исталган ҳудудий туман-ёки шаҳар бўлини ҳақида маълумот олиш имкони яратилди. Бунинг учун кўрсатилган рўйхатдаги зарур туман ёки шаҳарни танлаш kifoya. Экранда ушбу солиқ органининг аниқ почта ва электрон манзили, навбатчи қисми ва ишонч телефонлари рақамлари ҳамда раҳбарларининг исм-фамилияси ва фуқароларни қабул қилиш

Фан
ЯНГИ ЛУФАТ
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
«Фан» нашриёти «Мобил алоқа
тизимларига оид атамаларнинг русча-
ўзбекча изоҳли луғати»ни chop этди.

«УНИКОН.Уз» Давлат унитар корхонаси терминология ва луғатлар хизмати жамоаси томонидан босмага тайёрланган бу луғат мобил алоқа бўйича атамалар ва таърифларни ўз ичига олди. Луғатда алифбо тартибда жойлашган 1000га яқин атама ўз талқинини топди. Унда рус ва ўзбек тилларидаги атама ва таърифларнинг инглиз тилидаги муқобиллари ҳам ифодаланган.

ЁШ ОЛИМЛАР
ИЗЛАНИШДА
Ўзбекистон ёш олимлар миллий
жамияти томонидан амалга
оширилаётган илмий изланишларнинг
асари янги китоб ҳолида тақдим
этилди. «Хўжа Аҳрор: ҳаёти ва
фаолияти» деб номланган тўплам бунга
ёрқин мисол бўлади.

Узоқ тарихга эга бўлган муқаддас жойларнинг келими ҳолатларини ўрганиш жараёни ҳам ўз самарасини берди. Натижада мамлакатимизда икки мингдан ортиқ муқаддас жойлар мавжудлиги архив маълумотларидан аниқланди. «Хоразмнинг ноёб ёзма ёдгорликларини матн ва графика услубида сақлаш» мавзусидаги тадқиқот жамият аъзолари изланишлари самараси ўлароқ юзага келди. «Ўзбекистондаги ижтимоий фанлар америкаликлар нигоҳида» деган мавзуда ушштирилган анжуман кўпчилик эътиборини ўзига тортиди.

КЎЁШ ЭНЕРГЕТИКАСИ
МАНБАЛАРИ
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
физика-техника илмий марказида
кўёш энергетикасини тадқиқ этишда
ҳам самарадорликка эришилмоқда.
Буюртмалар бўйича ишлаб чиқилган
кўёш батареяларига бўлган талаб
ортиб бормоқда.

Олмоссини қатлам-мультикристаллик кремний тизими асосида эса кўёш энергиясини қайта ўзгартирувчи конструкциялар намуналари ўз ечимини топди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадқиқотлар тўплам ҳолида оmmалаштирилди.

ТАДҚИҚОТЛАР
КЎЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА
Тошкент Архитектура-курилиш
институтини олимлари соҳа ривожини
билан боғлиқ кўплаб изланишларни
олиб боришмоқда. Олий ўқув
юртининг «Архитектура ва
шаҳарсозлик» кафедраси томонидан
амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳам
амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

«Шаҳарларнинг ландшафт архитектура», «Ландшафт дизайнлиги» йўналишлари бўйича қўйрилган изланишлар кенг ривож топмоқда. «Шаҳар хибони» ишида шаҳарсозлик экологияси, унинг табиати ва кўламазорлаштириш киффасини яратишга доир лойиҳада эса шаҳар экологияси архитектурасининг келажақ кўриниши акс эттирилди. Шунингдек, ландшафт архитектура дизайнини бўйича янги йўналиш юзга келди. Институт коллекциясида «Фермент ҳосил қилувчи микроорганизмларнинг янги турларини ажратиб олиш ҳамда уларни синтез қилиш шароитларини ўрганишининг ва илмий асосларини тадқиқ қилишда Ўзбекистон Фанлар академияси микробиология институтини олимлари қўтилган натижаларга эришилди. Илмий муассаса коллекциясида мавжуд бўлган турли авлодга мансуб микроорганизмларнинг уран, вольфрам ва кумушга татбиқ қилиш хусусиятлари ҳам ўрганилди. Бу хусусиятнинг тур ва штамм хусусиятига боғлиқ эканлиги кузатилади. Шунингдек, бу хусусиятга таъсир қилувчи физик-кимёвий омилларни тадқиқ этишга киришилди.
Анвар ВАЛИЕВ

Кўргазмалар

РАНГЛАР УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида иқтидорли rassom, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, Республика ва Халқаро танловлар иштирокчиси Дилором Мамедованинг «Калейдоскоп» номи шахсий кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазмада мусаввирнинг охириги йилларда яратган энг сара асарлари жамланган бўлиб, муаллифининг хозирги вақтдаги ўзига хос ижодий фаолияти ўз аксини топган. Кўргазмага назар ташлар экансиз, ички туйғулارнинг софлиги, асарларнинг ўзига хослиги намоён бўлади. Рассом фикр ва ҳиссиётларни тўла ифода этувчи пластик шаклларда на-

фислик, гўзаллик ва жозибадорликни топишга ҳаракат қилади. Шарҳ ҳаётига оид хусусиятлар унинг деярли ҳар бир асарига мўҳассам. Ўрта Осиё ҳудудига хос тош ва лойдан бунёд этилган ясси томли кичик ҳовлига эга турар жойлар, ўзбек она тандир тасвирлари инсон қалбига миллий ғурур туйғулари бағишлади. Ҳар бир асарда миллий аёна-

ларимиз, урф-одатлар, қадимий меросларимиз тасвирланади. Шунингдек, она табиат, кўм-кўк боғлар, адирлар, лозазорлар бағридаги манзаралар тасвири томошабинга бир олам завқ бағишлайди. Мавзунинг тақдорланмас жиҳатлари муҳлисларни ўзига тартади. Биринчи навбатда асарлардаги колористик ва композицион ечимлар, мозаикага хос ранг-

тасвир техникаси томошабин кўзини қувонтиради ва инсон кўз ўнгиде жисмларнинг сувда кўринган ноаниқ аксини эслатади. Шаклларга қуюқ бўёқ бериб ишлаш техникаси Дилором Мамедованинг иқтидор намуналарини намоён қилади. Унинг асарлари бир қарашда жуда оддий ва ҳар қандай санъатдан беҳабар томошабинга ёқимли бўлсада, санъат ихлосмандлари учун ёрқин ранглар ила инсон қалбини ҳаяжонга солувчи, фовистлар матоларини эслатиши мумкин. Кўргазмадан rassomнинг 100 га яқин рангтасвир асарлари ўрин олган ва уларнинг асосий қисми биринчи мартаба томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Ушбу кўргазма 5 майгача давом этади.
Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?
Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?
Унда шошилиб таваккал қилманг.
Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудада совуришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли ризолторлик лицензиясига эга бўлган «**KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI**» МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори маалака мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нарҳда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.
«**KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI**» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг! «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!
Лицензия: RR-0001

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақдир этилади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 15 майдаги 10-0820/3276 (19)-сонли ҳал қилув қарори билан банк деб эътироф этилган «Мотор заводи» ОАЖ кредиторларнинг 2012 йил 10 апрелдаги йиғилиш қарорига асосан тўғрилик бошқарувчиси томонидан «Мотор заводи» ОАЖга тегишли қўйидаги мол-мулклар мулкчи маъмула сифатида тақдоран қўйилмоқда:

- Тошкент шаҳри, Охангарон шoҳ кўчаси, 2-уй манзилидаги, умумий майдони 31,47 Га бўлган, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган 28 та бино, 1 та бинонинг қисми ва қурилиш тугалланмаган 1 та бинонинг қисми, 2 та ишоот ва 13 та қурилиш тугалланмаган ишоотлар;
- Тошкент шаҳри, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй манзилидаги, умумий майдони 4,67 Га бўлган (сервитут қисми 0,21 Га), Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган 3 та бино ва бир бинонинг қисми;
- 2 та энгил, 8 та юк ташув автотранспорт воситалари ва 1 та автобус;
- 3 та трактор ва 7 та тиркама;
- Д-240 тонфадаги двигателлар учун мўлжалланган тирсакли валл, блок, шарту ва цилиндр головкаларини ишлаб чиқариш автоматик линиялари;
- Д-240 тонфадаги двигателлар йиғиш автоматик линияси;
- Асосий воситалар (станок мосламалари);
- Товар-моддий бойлиқлари.

Бошлангич баҳоси –55 794 096 092 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 27 апрель кuni соат 11:00 да савдо ташкилотчиси «**КМСХ**» МЧЖ жойлашган манзили (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1А-уй) да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугадан захоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Мазкур манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан таниши мумкин.

Талабдорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 25 апрель кuni соат 18:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат қилишувчи, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нуқсаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нуқсаси, жисмоний шахслар паспорт нуқсаси, вақил штирок этишда ишончнома тақдим этилади. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиши, голиб аниқланган кундан бошлаб 3 ой мuddат ичида мулклар учун тўловларни тўлиқ тўлаб бериш мажбуриятлари юклатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тўзатиладиган закалат қилишувга асосан объект бошлангич баҳосининг 1 фонизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «**КМСХ**» МЧЖнинг ОАИКБ «Илак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган мuddатларда тўлашлари шарт: х/р: 2020800904920609114, МФО: 01036, ИИН: 107122519. Тел: 228-80-23, 228-84-48. Лицензия: RR-0001. Расмий сайти-миз: www.1kms.uz

